

# ЖАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

14 август, пайшанба, 1997 йил  
Сотувда эркин нархда. № 169 (1686)

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

### ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

**Ҳуқуқий билимдонлик аҳолининг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг одамлар онига чуқур сингиб бориши миллий давлатчиликни барпо этишнинг асосий шартли эканлиги маълум. Бу борада мамлакатимизда ҳам муҳим инқилобий ўзгаришлар амалга ошириляпти. Республика Олий Мажлисининг навбатдаги тўққизинчи сессияси кун тартибига киритилган деярли барча масалалар шу мавзуга дахлдор. Айниқса, сессияда муҳокама қилиниши кутилаётган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури» кенг омма орасида катта қизиқиш уйғотяпти.**

Фаргона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, 1-даражали адлия маслаҳатчиси Тоҳир СҮПНОВ ана шу ҳусуда муҳбиримизга қуйдагиларни гапириб берди: «Мустақиллик -- бу ҳуқуқ, инсон ихтиёрига эга бўлиш, -- деган эди йўлбошимиз. -- Ҳўш, ана шу иззат-ҳурматга лойиқ бўлиш учун нима қилишимиз лозим. Очгини айтганда, айрим юртдошларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришларга етарли баҳо беришмаяпти».

Нафсиларини айтганда, миллий давлатчиликни барпо этиш йўлида қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, ҳуқуқат қарорлари ва бошқа муҳим ҳужжатлар моҳияти хилшлар онига тўла етиб бормаяпти. Демак, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Президентимиз Ислам Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ана шу масалага урғу берганлиги бежиз эмас. «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармон эса барчамиз учун муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қили-

ши шак-шубҳасиз. Зеро, ушбу тарихий ҳужжат моҳият-этиборига кўра, мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш омиллари ва истиқболларини кўзда тутганлиги билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Қолаверса, Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси кун тартибига «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури» лойиҳасининг киритилганлиги ҳам ҳуқуқий тарбия масаласига жиддий эътибор қаратилаётганидан далolat беради. Буларнинг ҳаммаси биз -- ҳуқуқшунослар зиммасига алоҳида масъулият юклати турган гап. Сабаби, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш кўп қирралли вазифа бўлиб, қатъият ва изчиллик билан фаолият юриштириши тақозо этади. Бу борада вилоятимизда аниқ тадбирлар белгиланган. Жойлардаги суд, прокуратура, ички ишлар, нотариат органлари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ходимлари билан ҳамкорликда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилмақда.

Дарҳақиқат, жамият осиёишталлигини ва юрт фаровонлигини таъминлашда фуқароларнинг мавжуд қонунларини, ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта билишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида, юқорида айтилганидек, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури» лойиҳаси муҳокама қилинади.

Лойиҳада қуйдаги тақлифлар ҳам ўз ифодасини топса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Айрим муассаса, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳуқуқий билимлари пастлиги оқибатида қонунга хилоф, фуқаролар манфаатларига зид келувчи, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва имкониятларини чеклаб қўйувчи буйруқлар чиқарилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳолатга бефарқ қараш мумкин эмас. Шунинг учун вилоятлардаги Адлия бошқармалари қошида корхона, ташкилот ва давлат бошқарув органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва бошқа мутахассисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқий малака ошириш курслари ташкил этиш масаласи ҳам дастурда ифодаланса, бу тадбирни амалга оширишда вилоятлар ҳокимликларининг давлат ҳуқуқ бўлимлари бош-қош бўлиб, бунга етарли шароит яратиб беришса, корхона, муассаса ва давлат бошқарув органларида қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга катта ҳисса қўшилган бўлар эди.

Иккинчи тақлифим -- шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида фуқаролар йиғинлари ва маҳалла кўмиталари раисларининг ҳуқуқий ўқишларини ташкил этиш ҳам долзарб вазифадир.

Истиқлол -- буюк неъмат. Ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамиятни барпо этасаккина бу неъмат қадр топади. Айтишларича, ўтмишда ота-боболаримиз уйларига кўлф-каллар қилмаганлар, савдогарлар туш-ликка чиқар эканлар, дўконни ётмай ип тортиб қўйганлар. Жамиятда ҳақолик, тўғрилиқ, адолат ҳукм сурмоғи учун, энг аввало, биз, ҳуқуқ-тартибот соҳаси мутахассислари жавобгармиз.

«Халқ сўзи» мухбири Набжон СОБИР ёзиб олди.



Зокир Яхшибоев бир неча йилдирки, пахта билан тиллашади. Баҳорнинг инжиқ кунларида ҳам, ёз жезирамасида ҳам унинг атрофида парвона бўлади. Шу боис у бошқик бригада уйған хирмон доимо баракали бўлади. Бу йил ҳам улар Пахтакор тумани, «Навбахор» деҳқон-фермер хўжалиги бригадалари ўртасида нешқадамлик қилмоқда. Нияти ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил кўтаришидир.

СУРАТДА: Зокир Яхшибоев.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

## ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда Олий Мажлис сессияси кун тартибига қўйилган ҳужжатларни муҳокама қилиш давом этмоқда. Кеча Нукус шаҳрида «Таялим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» лойиҳаларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасида сайланган Олий Мажлис депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси вази-

ликлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, корхона ҳамда муассасалар раҳбарлари қатнашдилар.

Муҳокамада сўзга чиққанлар қўрилаётган масалалар юзасидан ўзларининг қимматли тақлиф ва мулоҳазаларини баён қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов, республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев қатнашди.

Ҳ. АБДУСОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ИНДОНЕЗИЯГА САФАР

Индонезия Парламенти Раиси Х. Вахонга тақлифига биноан, Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Э. Воҳидов бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Индонезия Республикаси мустақиллигининг 52 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Жакартага жўнаб кетди.

Парламент делегацияси Индонезияда бўлиши вақтида шу мамлакат Вакиллар палатаси (парламент) раиси Х. Вахонга, Савдо-саноат палатаси раиси билан, ташқи ишлар вазирлигида учрашувлар ўтказиш, Индонезия Республикаси Парламентининг ҳар йилги сессияси очилишида иштирок этиш кўзда тутилган.



## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»

### ЯШИЛ ТЕАТРЛАР ФЕСТИВАЛЬ ШАРОФАТИДИР

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали доирасидаги асосий маданий тадбирлар ҳам Самарқанд шаҳрида ўтказилади. Шу боис бу ерда фестиваль дирекциясининг маданий дастурлар хизмати фаолият кўрсатаяпти. Ҳўш, айни пайтда улар томонидан қандай ишлар амалга оширилмақда? Биз Самарқандга қўнғирқоқ қилиб, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи, мазкур хизмат раҳбари Фармонбой ФАРМОНОВдан шу саволга жавоб беришини сўрадик.

-- Биласиз, дунё миқёсидаги бундай ушбу анжумани ташкил этишнинг ўзини бўлмайдиган, -- деди у. -- Фестивалнинг юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтиши учун ҳар жиҳатдан пухта, бекама-кўст тайёргарлик ишлари амалга оширилиши лозим. Масаланинг айтиш шунки, доимий эътиборимизда турибди. Тўғриси, кейинги бир ойча вақт мобайнида Самарқандда мусиқа фестивалининг муносиви кўтиб олиш мақсадида жуда кўп-лаб хайли ишлар амалга оширилади. Регистрон майдонида 3700 ўринли маҳобатли амфитеатр барпо этилганлигидан хабарингиз бор. Айни пайтда бу ерда чироқлар ўрнатилди ва энг сўнгги пардоз ишлари ба-жариляпти.

Фестивалнинг тантанали очилишида намойиш этиладиган «Буюк ипак йўли» номи театрлаштирилган тамоша ҳам тахт қилиб қўйилди. Анжуман муносабати билан шаҳримизда 5 та саҳна тикланди. Уларда бир ҳафта давомида хорижий ва ўзбекистонлик санъаткорлар иштирокида эртдан-кечгача концерт дастурали намойиш этилади. Шу ўринда айтиб ўтай: ушбу маданий дастурларда биргина республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 500 нафардан зиёд санъат усталари қатнашади.

Байрам баҳона шаҳримиз ҳам янада кўркам тус олади. Хусусан, тадбирларда белгиланган кўча ва хибобларни ободонлаштириш, кўчаларнинг яшил-суяк ва безаш ишлари ҳам поғинага етиб қолди. Бу ерга ташриф буюрадиган меҳмонларнинг яшашлари учун Самарқанддаги энг замонавий «Афросиё» ва «Интурист» меҳмонхоналари барча шарт-шароитлар муҳаббат этилган.

Халқаро мусиқа фестивалига вилоятимиз санъаткорлари ҳам қизгин ҳозирлик кўришляпти. Муудо: меҳмонлар кўз унгида ўз

## СОЛНОМА МАМЛАКАТИМИЗДА ШУ КУНИ...

1992 йил 14 АВГУСТ

• Исломободда бўлган Покистон Республикасининг мустақиллиги кўни байрами тантаналарида Президентимиз Ислам Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси ҳам иштирок этди. Ташриф чоғида Покистон раҳбарлари билан амалий мулоқотлар ўтказилди, шунингдек, коммуникациялар, энергетика, ирригация ва сув хўжалиги, транспорт алоқаси соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, сармоя солишни рағбатлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир ўзаро манфаатли битимлар имзоланди.

• Хиндистон Республикасининг парламентининг тақлифига биноан, Деҳлига келган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши делегацияси аъзолари ушбу мамлакат парламент раҳбарлари ва депутатлари билан учрашдилар. Музокаралар чоғида парламентлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш юзасидан ўзаро ахдлашувга эришилди.

• Шаҳрисабзда соҳибқирон Амир Темури хотирасига бағишлаб ўтказилган буюроча кураш усули бўйича мусобақалар яқунланди.

1993 йил 14 АВГУСТ

• Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун матбуотда чоп этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари, шунингдек, суд фаолиятига оид низом лойиҳалари ва Олий Кенгашнинг ўн учинчи сессияси кун тартибига киритилган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари федерациясида «Бозор иқтисодиёти ва қасаба уюшмалари» мавзусида семинар-йиғилиш ўтказилди.

1994 йил 14 АВГУСТ

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Р. Отунбоевни қабул қилди.

• Мамлакатимизга ташриф буюрган Марказий Осиё -- Америка тадбиркорлик жағмараси раиси Стефан Соларс бошчилигидаги америкалик ишбилармонлар Бухорога сафар қилдилар. Қадим воҳодаги тарихий-маданий обидалар, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган хайри ишлар хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

1995 йил 14 АВГУСТ

• Матбуотда БМТ Бош котиби Бутрос Галининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига йўлланган ҳамда Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш масалалари бағишланган макубуи чоп этилди.

• Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессияси бўлди. Унда республиканинг почта ва коммуникациялар, хўжалик жамиятлари ҳамда шериклик шартномалари тўғрисидаги қонунлари қабул қилинди.

1996 йил 14 АВГУСТ

• Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида 1992 йилдан фаолият кўрсатиб келаятган Марказий Осиё давлатлари координацион сув хўжалик комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда ушбу нуфузли ташкилот аъзолари -- беш мамлакат сув хўжалиги тизимларининг раҳбарлари иштирок этидилар.

• Зоминда ўлкашунослик музейи ташкил этилди. Республика иқодкор ўқитувчилари анжумани қатнашчилари музейнинг дастлабки томошабинлари бўлдилар.

## ОЗОДЛИК — УЙҒОҚЛИК ДЕМАК

### «ХАЛҚ СҮЗИ» АНКЕТАСИ

1. Озодликни қандай тушунасиз?
2. Истиқлол Сизга нима берди?
3. Мустақил Ватанга ўзингиз қандай наф келтирдигингиз?



**Хамза МАХМУДОВ,** Бухоро вилояти прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи:

1. Аслида озодликни тушунишда кўра, эки қилиш мароқидир. Уни юрак-юракдан англаган киши шурида момо-гулдурдек бир садо уйғонади. Бу -- ватанпарварлик ва миллатпарварлик сандосидир. Озод юртдаги бир лаҳзалик умргузаронлик минг йилга таътиди.

Йўлбошимиз мустақиллик -- бу энг олий ҳуқуқ, деганларидан минг қарра ҳақ эди. Зеро, озод мамлакатдагина инсон ҳуқуқлари ҳам озод бўлади, кафолатли ва эркин бўлади. Бундан олти йил муқаддам қонунларимизнинг қаноти қайрилган, қадди бук-ик эди. Меъёрий ҳужжатларимиз ҳам резинага ўшарди -- қай томонга тортисанг,

япмиз. Фуқароларнинг ҳуқуқий билиминини шакллантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшяпмиз. Буларнинг барчаси озод Ватанимизнинг буюк келажак учун беёминат хизматдир.



**Нурмухаммад ҚУРБОНОВ,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси битирувчиси:

1. Мен бу улғу тушунчани сўз билан ифодалаб беришга сўз керак. Фақат бир нарсани айта оламиз: узок йиллик қафаслар синди, одамлар қалбидан қўрқув ва хавотир йўқолди, келажакда эркин ва озод яшаш учунки аланга-ланди. Ҳамма жабҳада имконият ва имтиёз эшиклари очилди. Бугун озод ва ҳур Ўзбекистон ҳақидаги қўшиқлар сандоси етти иқлимгача бориб етмоқда. Мамлакатимиз раҳбарлари таъкидлаганидек, бугун Ўзбекистон халқи улғу аждодларининг аъналарини, урф-одатларини давом эттириб, тақдирини ўз қўлига олиб, қаддини ростлаб, эл-юртимизда осиёишталлик, барқарорликни, миллатлараро аҳиллик ва фу-

«Халқ сўзи» мухбири Э. БОЛИЕВ ёзиб олди.

зиммамизга юклатилган. Унда меҳмонлар самарқандлик машҳур чоғу асбоблари усталари Адаш Алиев ва Ҳамроқул Ҳайдаров ижодий меҳнати намуналари билан яқиндан танишишди. Халқ хунар-маңчилиги намуналари кўргазмасида эса улар хунармаңчилик буюмларини кўздан кечирадилар.

Дарвоқо, шаҳардаги мавжуд 3 та профессионал давлат театри ҳам фестивал иштирокчилари хизматида бўлади. Уларда бир ҳафта мобайнида намойиш этиладиган спектакллар рўйхати ишлаб чиқилди. Хорижийлар мазкур театрларда жохон драматургиясининг классикалари -- Шекспир асарларидан тортиб, бизнинг «Нодира-бегим» сингари саҳна асарларимизни ҳам томоша қилишлари мумкин. Шаҳарнинг одамлар билан гавжум нуқталари ва меҳмонхоналар олдига эса концертлар, турли маданий дастурлар уюштирилади. Уларда байрам қатнашчиларидан тортиб, одий кишилар ҳам иштирок этадилар. Умуман, кўнча Самарқанд бир ҳафта давомида том маънода байро-маиба лисиб қийиб, жоиз-баи муосқалар, қувноқ уйин-қулгилар оғушида бўлади.

Фестиваль кунлари Регистрон майдонида ўзбек миллий мусиқа асбоблари кўргазмасини уюштириш вазифаси ҳам бизнинг

«Халқ сўзи» мухбири Фафур ШЕРМУҲАММАД ёзиб олди.

да мустақил юртимиз байроғини кўтардилар. Шундан сўнг мусобақалар бошланди. Дастлаб энгил атлетикачилар ўзаро кўн синашдилар. Унда наманганлик хотин-қизлар голий чиқиди. Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, самарқандликлар эса учинчи ўринни эгаллашди. Спартакиададан оғилчи маросимда вилоят ҳокими Т. Жабборов иштирок этди. А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ҚИШЛОҚ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

Косонсой тумани марказий уйингоҳида Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган республика қишлоқ хотин-қизларининг XVIII спартакиада-сига шарт берилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган спортчилар ўзаро бешлашадилар.

Маълумки, ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган қишлоқ хотин-қизлари спартакиадасининг биринчи ва иккинчи босқичлари аввал туман ва вилоятларда бўлиб ўтди. Унинг гоилиблари эса яқунловчи босқичда иштирок этиш учун Косонсойга келдилар.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси, спартакиада-ни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси Д. Фулломова барча спортчиларни қизгин қўтлаб, уларга оғилдлар тилди.

Спорт жамоаларининг энг яқин вакиллари Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳкуми сардорлари ости-



● МИЛЛИЙ ДАСТУР

ТАЪЛИМ СИФАТИ — БОШ МЕЗОН

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш давлат комиссиясининг 5 июнь кунги йиғилишида республикамиз Президенти миллий дастурга алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган жиддий масала деб баҳо бериб, тўғри йўл-йўриқлар кўрсатди.

Миллий дастур -- халқимизнинг буюк давлат барпо этишдек олийжаноб орзуи рўёбга чиқишида муҳим омил бўла оладиган, ислохотларнинг тақдирини ижобий таъсир кўрсатувчи, соғлом ҳаётни акс эттирадиган манба бўлмоқчи шарт. Бу борадаги бугун кечиктирилмай бажарилиши лозим бўлган вазифалардан бири амалдаги таълим-тарбия тизимини таҳлил қилиш, тўсиқларни бартараф этиш, тўғри йўлга солиб юборишдан иборатдир.

Билим савияси талабга жавоб бермайдиган ўқитувчиларнинг халқ таълими тизимида ҳам, олий таълим тизимида ҳам борлиги ҳақ гап. Шундай ўқитувчилардан таълим олган ўқувчилар

нимани кутиш мумкин? Олий даргоҳда касбига тегишли фанлардан старли сабоқ ололмаган талаба ишлаб чиқаришда ўзини кўрсата оладими? Йўқ, албатта. Менимча, билим ва тажрибаси етарли бўлмаган мутахассисларнинг кўпайиб бораётганини асосий сабаби, айрим ўқитувчиларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам ёлғизлик, билимидан қатъий назар, олий ўқув юртига кирса, келажакда қандайдир кафолатга эга бўлади, деб ҳисоблашларида.

Таълим тизимидаги бугунги аҳвол бир-икки йилда вужудга келган эмас. Шу бугунга қадар кўрилган тадбирлар, хасталикнинг туб сабаблари қолиб, унинг

оқибатларига қаратилгани учун бундай жараён юзага келган. Таълим жабҳасида муаммолар кўп. Масалан, талабалар билимини баҳолаш мақсадида жорий этилган рейтинг усули пухта таҳлил этилмаган қабул қилинган янгилик бўлди. Бу усул таълим савиясининг пасайишига олиб бораётгани барчамизга яхши маълум. Ҳозир ҳар бир семестрда уч марта назорат ҳафталари ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича талабалар билими баҳоланади. Семестрда назоратни тест шаклида компьютерда ўтказиш ўқигиша иштиёқи йўқ, билимсиз ўқувчиларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Уқиб жараёнида профессионал ўқитувчининг имтиҳон олишини ҳеч қачон компьютерда баҳолашга ёки рейтинг назоратига қийёслаб бўлмайди. Уқитувчи имтиҳон вақтида талаба билимини қай даражада эканлигини аниқлашга қолмасдан, ўзлаштиришдаги кам-

чиликларини англашга ва тузатишга кўмак беради. Тўғри, танлов учун уюштирилган синовларга ҳар хил ёндошиш мумкин. Жумладан, ўқув юртиларига ялли қабул ўтказилиши пайтларида тест синовлари кўпроқ кулайликка эга. Бироқ тестлаштиришга мураккаб фан сифатида жиддий қараш лозимдир. Тестда тушиши мумкин бўлган саволларнинг эълон қилиниши ўқувчиларнинг шаблон шаклида тайёрланишига олиб бормаслиги лозим.

Таълим-тарбия тизимини изга солишда бир йил бўлса ҳам вақтдан ютайл�к десак, биринчи навбатда, қабул тест синовларини юқори савияда ташкил этиш фойдалан холи бўлмайди. Тест синови вақтида синов қоидаларига бекума кўст риоя қилишига ўрганайл�к.

Мақсадимиз талаба ҳамда ўқувчиларимиз билимини юқори даражага кўтариш экан, келинг дарсликларга ҳам бир назар ташлайлик.

Истиқболга эришган халқимиз фарзандларига тили, адабиёти, тарихи, қадриятлари, маънавияти соф ҳолда акс эттирилган, уларни Ванга салокат руҳида тарбиялайдиган дарсликлар керак. Аммо мутахассис бўлмаган кишиларнинг ҳар хил китоблардан уйғунлаштириб, саводсизларча тузган китоблари ҳамон учрайди. Бундай дарсликлар қони-зарар эканлигини мутахассис кишилар тушуниб етиши лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, таълим узлуксиз экан, мактаб ва олий билимгоҳларидаги дарсликлар, дастурлар ҳамда бошқа тадбирлар бир-бири билан узвий алоқдор бўлиши долзарб масала эканлиги доимо ёдимизда туриши шарт. Акс ҳолда, замон талабига мос, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида қўриладиган барча тадбирлар яроқсиз бўлиб қолаверади.

Собир ТўЛАГАНОВ, физика-математика фанлари доктори.



**СЮЙРВАЙЕР**  
Сойрвайер - сугурта қилинувчи ёки сугурта қилувчи илтимосига кўра сугурта қилинган ёки сугурта қилиниши керак бўлган кема ва юкларни кўздан кечирувчи эксперт.

**ПОЛИС**  
Полис -- шахсий ёки мулкый сугурта шартномаси ва унинг шартлари ҳақидаги ҳужжат (номи ёзиллади), тилхат, патта. Полис зарурат туғилганда сугуртачига қарши даъво кўзгатиб, зарарни ундириш учун судга такдим этади. Мамлакатимизда полис тушунчаси билан бирга кўпроқ «сугурта гувоҳномаси» қўлланилади.

**СУГУРТА БОЗОРИ**  
УНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

**Бозор муносабатлари асосида ривожланган иқтисодийётда унинг барқарор ҳамда илдам-ишончли тараққиётини таъминлашда сугурта тизими алоҳида аҳамият касб этади.**

Сугурта жағмармаси миллий иқтисодийёт заҳира жағмармасининг муҳим, ўзини ўзи ривожлантирадиган ҳамда ўзига хос бўлини ҳисобланади. Унинг ўзига хос томони шундан иборатки, миллий иқтисодийётни ривожланиш жараёнида қўзда тутилмаган турли тасодифлардан молиявий жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Сугурта ҳимояси билан таъминлашда «Банксугурта» банклараро сугурта жағмармаси ўзбекистон банклар тизимида кенг сугурта хизматини кўрсатишга, шу жумладан, сугуртанинг комбинациялаштирилган турларини жорий этишга, «Биржасавдосугурта» -- юкларни сугурта қилишга, «Малал» сугурта агентлиги қарз олувчининг масъулиятини, яъни кредитни қайтара олмаслик қатъислигини сугурта қилишга ҳамда сугуртанинг ағъанавий турларига ихтисослашгандир.

Давлат мустақиллиги ва бозор муносабатларига ўтиш шариоитида мамлакат сугурта тизими сифат жиҳатидан янги хусусиятларга эга бўлди. Бу хусусиятлар, назаримизда, қўйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

Таъкидлаш жоизки, сугурта соҳасининг кенгайиши бозорнинг янги сегментлари, шу жумладан, тармоқ ва худуд бўйича сугуртанинг янги турларини шаклланиши ҳисобига рўй бермоқда. Бунга инвестицион фаолиятни, тадбиркорликни ва банк фаолиятидаги қатъисликларни сугурта қилиш каби сугурта турлари мисол бўла олади. Таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг сугурта потенциали ниҳоятда катта. Мазкур потенциал эса ҳам, ривожланган индустриал ҳам агросаноат типидagi худудларда мавжуд. Ҳозирги вақтда эса сугурта компанияларининг катта улushi Тошкент шаҳрига ва уларнинг бирмунча ривожланган қисми Фарғона ҳамда Самарқанд шаҳрларига тўғри келади.

«Давлат -- Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий ўзгаришларда бош ислохот» таъминлай асосида шаклланиётган ҳусуият. Мазкур ҳусуият, айниқса, сугурта хизмати бозорини янги шариоитда ривожлантириш фаолиятининг асосий йўналишлари, методологик ҳамда ҳуқуқий-қонунчилик асосларини яратишда намоён бўлди. Жумладан, 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан сугурта соҳасидаги тарихий монополияга барҳам бериш учун зарур асос яратилди.

«Сугурта ҳақида»ги Қонунни бажариш ва мамлакат иқтисодийётининг устувор тармоқларини ишончли сугурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиз Президентининг махсус Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча йирик давлат ва давлат-ҳўсадорлик сугурта компанияларини («Ўзбекинесть» миллий сугурта компанияси, кейинчалик «Ўзбекинесть» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси, «Уз-агросугурта», «Кафолат» ва бошқалар) ташкил этиш бўйича қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон сугурта хизмати бозори дастлабки босқичда бирмунча «имтиёз» шариоитида ёки сугурта бўйича махсус назорат ташкиллари -- Давлат сугурта назорати ташкил этилмаган шариоитда ривожланди. Бундай шариоит мамлакатда сугурта компанияларининг бирмунча ривожланган тармоғини ташкил этиш имкониятини берди. Бироқ бугунги кунда Ўзбекистон худудида сугурта компаниялари фаолиятини комплекс равишда назорат қилишни таъминлайдиган Давлат сугурта назорати ташкиллари тузилиши ҳамда махсус меъёрий ҳужжатлар тўпламини яратиш зарурияти етипти.

Ўзбекистонда сугурта бозори кўлами ва чегарасининг кенгайиши ихтисослашган сугурта компанияларини ва худудларда уларнинг филиал ҳамда шўба корхоналарини ташкил этиш ҳисобига рўй бераётганини кузатишмоқда. Хусусан, ихтисослашган сугурта компанияларини ташкил этиш ағъанаси яққол сезилмоқда. Жумладан, «Уз-агросугурта» давлат-акционерлик сугурта компанияси деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш соҳасини ва аҳолини сугурта ҳимояси билан таъминлашга, «Кафолат» -- шаҳардаги юридик ва жисмоний шахсларга сугурта хизматини кўрсатишга, «Ўзбекинесть» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси экспорт-импорт операцияла-

ри сугурта ҳимояси билан таъминлашда, «Банксугурта» банклараро сугурта жағмармаси ўзбекистон банклар тизимида кенг сугурта хизматини кўрсатишга, шу жумладан, сугуртанинг комбинациялаштирилган турларини жорий этишга, «Биржасавдосугурта» -- юкларни сугурта қилишга, «Малал» сугурта агентлиги қарз олувчининг масъулиятини, яъни кредитни қайтара олмаслик қатъислигини сугурта қилишга ҳамда сугуртанинг ағъанавий турларига ихтисослашгандир.

Таъкидлаш жоизки, сугурта соҳасининг кенгайиши бозорнинг янги сегментлари, шу жумладан, тармоқ ва худуд бўйича сугуртанинг янги турларини шаклланиши ҳисобига рўй бермоқда. Бунга инвестицион фаолиятни, тадбиркорликни ва банк фаолиятидаги қатъисликларни сугурта қилиш каби сугурта турлари мисол бўла олади. Таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг сугурта потенциали ниҳоятда катта. Мазкур потенциал эса ҳам, ривожланган индустриал ҳам агросаноат типидagi худудларда мавжуд. Ҳозирги вақтда эса сугурта компанияларининг катта улushi Тошкент шаҳрига ва уларнинг бирмунча ривожланган қисми Фарғона ҳамда Самарқанд шаҳрларига тўғри келади.

Мамлакатда ихтисослашган қайта сугурта қилувчи компаниянинг йўқлиги ва нодавлат сектордаги сугурта компанияларининг кўп сонлилиги ҳамда уларнинг молиявий жиҳатдан бирмунча кам қувватли эканликларини мамлакат сугурта бозорининг ҳозирги шариоитидаги вабватдаги ҳусуиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси худудидаги нодавлат сугурта компанияларининг тахминий сонини 80-85 тани ташкил этади. Уларнинг айримлари ҳақиқий сугурта операцияларини амалга ошириш учун етарли даражада салмоқли капиталга эгадирлар. «Банкинг-формейтинг» компаниясининг ўтказган сўроғига кўра, Тошкент шаҳрида жойлашган 14 та нисбатан, йирик сугурта компанияларидан фақат 4 тасининг 30 млн. сўмдан ошқин бўлган устав капиталга эга.

Ўзбекистонда сугурта соҳасининг ривожланиши аҳоли ва тадбиркорларда сугурта бизнеси тўғрисида етарли даражада билим ва савияга эга бўлмаган бир шариоитда амалга оширилмоқда.

Сугурта бозорининг мамлакатимизда бирмунча қисқа муддатда шаклланиётгани туфайли бу борада ахборот тартибот ишлари қўйилганлик бўлмади. Шунинг учун республикада сугурта бозорини самарали ривожлантириш мақсадида кенг жамоачилик фикрини шакллантириш бўйича амалий тадбирлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Чунончи, аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида сугурта -- бу кўзда тутилмаган воқеа-ҳодисалардан молиявий ҳимоя қилувчи муҳим восита эмас, балки қўшимча харажатлар қилиш зарур бўлган тармоқ деган бир эҳкамлик нукта назар ҳалигача тутилмаган.

Шундай бўлса-да, мамлакатимизда мазкур соҳа бўйича ҳанузгача бирон-бир махсус, ихтисослашган ахборот воситаси яратилгани йўқ. Демак, республикада сугуртага бағишланган махсус рўзнома

Умуман оғанда, мамлакат сугурта бозорини тиклаш жараёнида эришилган ютуқларнинг кўлами яна бир бор давлатимизнинг иқтисодий ислохотлар бўйича амалга ошираётган тадбирларнинг тўғри эканлиги далиллади.

Ш. ИМОВОВ,  
иқтисод фанлари доктори.



Жиззах туманидаги Навоий номи жамоа хўжалиги азалдан миришкор деҳқонлари-ю, ном қозонган соҳибкорлари билан машхур. Шукр ота Аҳмедовни эса уста болбон сифатида туманда барча танишди, урмат қилади. Ота нафақат ўз томорқасида, балки атроф қишлоқларда етиштирилган бозорлардан ҳам хабар олади, одамларга соҳибкорлик сирларини ўргатишдан сира эринмайди. СУРАТДА: Шукр ота Аҳмедов.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

● ТОРТИҚ

ЯНГИ УЗИЛГАН НОНДЕК ҲАРОРАТЛИ...

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси «Ўқитувчи» нашриёти, ижарадаги Тошкент матбаа комбинати, «Ўзмет-баатаъминот» республика корхонаси ҳамда Янгийўл китоб фабрикасининг республикамиз ёш ижодкорларининг янги китобларини ҳимойлик асосида чоп этиш ташаббусларини маъқуллаб, «Ёш истеъодли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳақида» қарор қабул қилган эди. Мазкур қарор асосида Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат, «Ёзувчи», Чулпон нашриётларида 33 нафар ёш муаллифнинг китоблари босмадан чиқди.

Янги узилган нондек ҳароратли ва ёқимли ушбу китобларнинг ҳар бири бир дунёдир. Зокир Худойшукрунинг «Дил асрори», Рустам Муулмоннинг «Хиргойи», Илҳомнинг «Кунглимдаги қиз эдинг», Хосият Рустамованинг «Осмондаги ой», Зебо Мирзеванинг «Ажр», Вафо Файзуллиннинг «Хабарсиз секин», Норқобил Жалилнинг «Соғинчнинг ранги» Гулом Мирзонинг «Унутилган хур» шerryи китоблари, Нигина Ниёзининг «Қора қизнинг кўз ёшлари» мистик қиссаси, Саида Жўраеванинг «Кўринмас одам шаҳар кезади» публицистик тўпламлари шулар сирасига кирди.

Шуниси ҳувончилик, бу ижодкорларнинг орасида ўз буй-анворига эга бўла оладиган умидли ёшлар ҳам талайгина. «Гулларни қўчоқлаб иситгини келган», «Кўзларида осмон туллаган» ушбу ёшларнинг хушгадир тўпламлари китоб жавонингиздан, қўнглингиздан жой олишига ишонгимиз келади.

Раъно РАҲМОН қизи.

● ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИ

Бекободда бўлганмисиз? У ниҳоятда дилбар шаҳар. Айниқса, кўклам адоғи 83 пайтлариди у бениҳоя сўлимлашиб кетади. 70 минг аҳоли яшайдиган бу шаҳарда 200 дан ортиқроқ чойхона борлигига, эҳтимол, кимдир ишонмас. Шаҳар Сирдарёнинг бўйида жойлашган. Беданлар басма-басига сайраб, райхону жамбуллар хушбўй таратиб турадиган бу чойхоналар чинакамгина шаҳарликларнинг энг кўнглилортар масканларига айланган. Мабодо Бекободга меҳмон бўлиб борсангиз, сизни чойхонада девзира гурчдан дамланган ошни едирмай жўнатишмайди.

Энг ажойиб шундаки, Бекободни водий ва воҳа оралиғидаги тош-тарози шаҳар, десак муболага бўлмайди. Водий халқи сўнгги луқмани ҳам меҳмондан аямайди. Борини дастурхонга тўқади. Ҳали водийга йўли тушган, одамнинг машинаси бузилиб, овораян сарсон бўлганини эшитмаганмиз. Кимнинг хонадони тўғрисида машинангиз бузилса, ўша хонадон эгаси атрофингизда гириттон бўлади. Ё ширин каломи билан, ё амалий ёрдами билан, ё пули билан оғирингизни енгил қилишга киришади. Кўналага тўғрисида ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади.

Воҳа одамлари сал дангалчорқ бўлади. Андак юз-хотир ҳам қилмайди. Аммо кўнглини топсангиз ёки унга маъқул келсангиз, сизга туя миндиришга ҳам шай туришади.

Бекобод -- воҳа ва водий вилотларни одамларининг энг ажойиб хусусиятларини ўзда акс эттирган шаҳар. Бу ерда мамлакатимизга минглаб тонна пўлат ва прокат, цемент ва бошқа sanoat маҳсулотлари етказиб бераётган йирик корхоналар жойлашган. Ҳар уч хонадоннинг бири металлургия хонадонини ҳисобланади. Бу одамлар ўз касблари билан ҳақли равишда фахрланишади.

Ҳозирги Бекобод шаҳри урнида ўтган асрда бир неча қишлоқлар бўлган. Ана шу қишлоқлардан бири -- Кўштегирмон ёнидаги

дарёнинг роли беқисёр. Бир пайтлар чор ҳукумати Ўрта Осмондан арзон хомашё ташиб кетиш мақсадида курган темир йўл шаҳарини гуркираб ривожланишига хизмат қилди. Кесаларнинг гапига қараганда, Самарқанд ва Тошкентга қатновчи савдо қарвонлари ҳаминша Бекобод шаҳридан ўтишган. Тунлари қарвон ва йўловчилар адашиб кетмасликлари учун, бу ерда бир неча тепаликларга ермой шимдирилган. Латта маёқлар ёқиб қўйилган. Аф-

булмайди. Бекобод -- том маънода байналминал шаҳар. Бекободликларнинг 50 фоизини ўзбеклар ташкил этса, қолганлари руслар, қорейлар, татарлар ва бошқа миллат вакилларидир.

Ҳозирги кунда шаҳарда ўндан ортиқ мактаб, қатор коллеж ва гимназиялар фаолият кўрсатмоқда. Дарё бўйидаги маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар эса шаҳар кўрқига-кўрқ бағишлар турибди.

-- Биз ўз шаҳримиз билан юрак-юракдан фахрланамиз, -- дейди шаҳар ҳокими Жалолдин Насриддинов. -- Шаҳримиздаги ўнлаб sanoat корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат республикамизда, балки четда ҳам маълум ва машхур. Ҳар йили бекободлик юзлаб оида янги ҳовли тўйларини нишонлаётди. Шаҳар ҳокимлиги кишилар қалбида юксак маънавий тўйгуларни қарор топтириш-

га, ҳар бир киши юқори унум билан ишлаши, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини ҳис этиши йўлида қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Ҳа, ҳар бир инсон ўз қишлоғини, ўз шаҳрини севамоғи, унинг тарихини ёд билимоғи шарт. Қайдаки тарих ва бугунги кун бирлашиб, гўзал мазмун қаиф этса, ўша жойнинг эртаси, бугунги кунни сермазун ва гўзал бўлади.

Бекобод, айниқса, август ойида гўзаллашиб кетади. Дарё сувлари тунги ойданда нурулиб, эшилди-эврилиб оқди. Бундай гўзал дарё бўйида яшовчи одамларнинг қалбида ҳаминша яшаш ва яратиш, эртанги кунни умид билан, интиқлик билан кутиш ҳислари мавжланиб турганига шубҳа қилмас ҳам бўлади.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ШАМОЛЛАР БЕЛАНЧАГИДАГИ ШАҲАР

ҳеч кимга беришни исташмаган. Ана шунда ён-атрофдаги қишлоқ аҳлидан иборат вакиллар Уратепа ҳокимига арз билан боришади. У ёқдан келган беклар кўштегирмонлик бойлар билан бир неча кун музокара олиб бориб, баҳсини ижобий ҳал этишади. Энди булоқ суви дарёга эмас, балки қишлоқларга оқа бошлади. Бундан хурсанд бўлган оддий кишилар ўз қишлоқларини «Бекобод», яъни беклар обод қилган, бекларнинг назари тушган жой, дея атай бошлайдилар. Шу-шу шаҳар ҳозирги номига эга бўлади.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб бу ерда цемент ишлаб чиқадиган цехлар, қосиб ва ҳунармандларнинг дўконлари пайдо бўлади. Кичик бир қишлоқнинг қисқа давр ичида sanoat гуркираган шаҳарга айланишида бу гўшани иккига бўлиб ўтган темир йўл ва

«ВЕТДОР» фирмаси Тошкентдаги оморхоналаридан куйидаги препаратларни тавсия этади:

- \*Амоксосил (юқори таъсир доирали инъекцион суспензия);
- \*цидектин;
- \*ветримоксин ла (антибиотик);
- \*Фенветрин 20 фоизли;
- \*Гентамицин 10 фоизли;
- \*метотрин 24 фоизли (юқори таъсир доирали антибиотик);
- \*триметосульф премикс (куку ҳолида);
- \*мультивитами;
- \*Витвар-Чокке (витаминлар мажмуи);
- \*дисмиосикс;
- \*Суи-Фер.

Шунингдек, бошқа ветеринария препаратларини ҳам бевосита таъбирчи корхонаси нарҳларида етказиб берамиз.

Биз сизнинг бу борадаги муаммонгизни ҳал этишга ердимиғиз тегишлики мамнуғимиз.

Кўнепроқ қўлингиз: 41-08-66.

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

ЮРТ

Капалакнинг оддий қаноти Осмонни тебратар бу ерда. Усмилар шегар ёзиб, шегар ўқир, Лола кўкаради хатто қабрда!

Том устидан ажинларни Қочиради хушбўй исирқи. Болаларнинг изидан юриб, Мусичалар терар ўз ризқин.

Кўзичоқнинг қарашлари-ей, Жон киритар минг йиллик тошга.

Энг нозик бугдой ҳам, арпа ҳам Бошига кўтарар кўёшини.

Ситоралар ғоятда ёруғ, Хиёнатдан жуда баланд шамс. Қишин-ёшин қушларга тўлуғ Бир осмон бор — ҳеч қовоқ уймас.

Йиғитларнинг кўнгли жуда кенг, Қизлар ойдаи парлар уйқуда. Шунинг учун боболар тинчдир, Момоларнинг умри осуда.

Салим АШУР.

ЭЛНИНГ ЎҒЛИ БЎЛСАНГ

Эзик бўлса агар элиг бошин кўтар, Екасидан босиб турган тошин кўтар, Кипришни букиб турган ёшин кўтар, Сен шу элиг бир ростакан ўғли бўлсанг!

Оёқ-ости бўлар баёв халқнинг дўри, Йиғити эр эмас элиг кўрир шўри, Томоғига оғиз солар ҳар сур бўри, Асар сурув ортидаги тўқли бўлсанг.


Дунё сениг авлодига давом берар, Етлар келиб ҳурмат учун салом берар, Чўнг давралар фикринг сўраб қалом берар, Эрки қўлда, қамар белда, тугеи бўлсанг.

Ҳайри кўлар боқолмас сен томоғиңга, Соёқлардан соя тушмас замониңга, Кўфр ўйлар даҳл қилмас иймониңга, Номус отлик сadoқ тўла ўқли бўлсанг.

Айла турсанг турфа ғирдоб торта олмас, Гардиҳага замон испод орта олмас, Умидларинг ора ўйда ёрти қолмас, Ниҳог тўйран, қора кўзи чўзи бўлсанг.

Буюкларга вoрислигинг ёдингда тут, Ҳар отажаск тоғдан қўтадуг муждлар кут, Ўзбек бўлиб келдинг, ўзбек ҳолида ўт, Етмиш пуштиг тоза сениг тугдирсан.

Жонбек СУВҲОН.



ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

«Экосан» Халқаро экология ва саломатлик жамғармаси фаоллари ва муассисларининг йиғилиши Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига шошилинч муруват ёрдами юбориш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланди.

Йиғилиш иштирокчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг Қорақалпоғистон Жўқорни Кенгесининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқини тўла-тўқис қўллаб-қувватладилар. Президентимиз ўз нутқиди Орол ва Оролбўйи муаммоларига, жумладан кескин ижтимоий-экологик вазият вужудга келган Мўйноқ тумани, доридармонлар ва табиий захира билан етарли таъминланмаётганига алоҳида эътибор қаратган эди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар «Экосан» жамғармасининг фаолиятини ҳам, унинг муассислари бўлган вазирилар, идоралар, банкларнинг ҳам, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг ҳам Оролбўйи аҳолисига муайян муруват ёрдами кўрсатишга доир ишларини кучайтириш зарурлигини эътироф этдилар. «Экосан» жамғармасининг яқинда Мўйноқда ташкил этилган Экология маркази бу минтақанинг ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал этишда иштирок этаётган халқаро ташкилотларнинг савий-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, бу ерга келаятган муруват ёрдамидан янада самарали фойдаланишни назорат қилиш билан шуғулланган.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, «Мўйноқбалик» консерва заводини қайта қуриш лойиҳасининг амалга оширилиши вазиятни яхшилашга кўмаклашди. «Экосан» жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон» акционерлик жамияти мутахассисларининг биргаликдаги савий-ҳаракати билан, Қорақалпоғистон Вазирилар Кенгаши ёрдамида яқин вақт ичда бу лойиҳани ишлаб чиқиш бошланди. Шунингдек, экология ва саломатлик кўчалари доирасида амалга ошириладиган минтақадаги аҳоли манзилгоҳларининг санитария ҳолатини яхшилаш ишларини кучайтиришга қарор қилинди.

Анна ИВАНОВА, УЗА мухбири.

Ўзбекистон халқ расоми, марҳум Чингиз Аҳмаров ижодхонасида «Абдурасул» ҳамда «Қудук бўйидаги учрашув» деб номланган қалам тасвирлар сакланмоқда. Ушбу қораламалар дунёга келишининг ўзига хос тарихи бор. Ўша дамларни эсласам, кўз ўнгимда улуг мусаввиримизнинг самимий, беозор, покиза инсоний қиёфаси яққол жонланади.

«Абдурасул» тасвирининг яратилиши қизиқ бўлган. Чингиз ака табиатан болалардан ҳеч нарсасини аямайдиган, саҳий инсон эди. Бир кунги ўн бир ёшли ўғлим Абдурасул-жон: «Шу кишининг олтига олиб бориң, расм чизишни ўргатман», деб туриб олди. Биз бoрганмизда Чингиз ака ижодхонасида чуқур ҳаёлга

ЎДНОМА ҚУДУҚ БЎЙИДАГИ УЧРАШУВ

чўмиб ўтирарди. Олдиди ўзи яратган асарлари қатор қилиб териб қўйилган. Бизни очик чехра билан кутиб олди. Ташрифимизнинг боисини англаган, ўғлимга қизиқиш билан назар ташлади. «Даданг сени ҳайкаллар ҳам ясайд, деганди, — деди у киши. — «Робинзон Крузо» номи ҳайкалчанг жуда яхши чиқибди, қўрганман. Абдурасул, яхшиси, сен мени тасвирла. Мана, лой, хоҳласанг, пластилин ҳам бор. Мен эса сенинг портретингни чизаман, келишдикми? Ўзим сени бир синаб кўрай-чи?»

«Э, қойил-э, худди ўзимга ўхшатиб ясабсан-ку», деди севиниб. У киши чизган қалам-тасвирда эса болаларга хос хусусиятлар, орзу, келажак акс этирилганди. — Тез-тез келиб тургин, — деди Чингиз ака хайрлашаётганимизда ўғлимга. — Сента ўзим расм чизишни ўргатаман. Ишни эса отларнинг расмини чизишдан бошлайсан.

Кейин у Абдурасулга бир неча отларнинг тасвирларини тутқазди... Чингиз Аҳмаров ижодхонасига ўғлим билан бирга келаявериб, у киши билан жуда қадрон бўлиб қолдик. Қўнлардан бирини расмом менга: «Қўнфанг бироз хитойгами, уйгурларгами ўхшаброқ кетаяпти. Менга айтмай келаятган бир сириң бoра ўхшайд» деб, қулиб қўйд. Очиги, биргина Чингиз ака эмас, қўнлар шун-

дай дейишарди. Бу гапда жон бор эди албатта. Чунки буюм чиндан, ҳам уйғур қизи эди. Тошкентдан бўлса майли-я, нақ Уйғурistonнинг Фулжа деган қишлоғида туғилиб ўсган экан. Айтишларича, ўшанда энлигига ўн икки-ўн уч ёшга кирган бўлса-да, дурқун, чиройли қиз бўлган экан. Ойлада ёлғиз қиз бўлганлиги учун ҳам, рўзгорда ўзи ишларни бажарар, бир-икки чақирим масофадан обкашда сув таширкан. Бобом Аҳмад Тошкент савдогарларидан бўлиб, ўша тарафга тижорат ишлари билан бoрганлида, ана шу қизни кўриб, севиб қўлибди ва от-аравала ўз юртига олиб қўчиб келган экан. Шу тариқа улар оила қуришган. Шулар ҳақида сўзлаб берганимда, Чингиз ака тўлқинланиб кетди.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.



Қўҳна ва ҳамшира навқирон Хива шаҳрининг бугунги кўриниши. Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ТЕАТР

Кўҳна Шарк адабиётининг ноёб дурдонларидан саналмайш «Минг бир кеча» асарини ким билмайди дейсиз? Араб халқининг фахр-ифтихори бўлган ушбу сеҳрли эртақлар тўпламини дунё халқлари асрлар давомида севиб мутулаа қилиб келаяпти.

Хатто унинг воқеалари асосида ўнлаб тилларда қўллаб фильмлар, спектакллар, турли хил томошалар яратилган. Ушбу асар ўзбек китобхонларининг ҳам кўнгли мулкидан чуқур жой олган. Аини кўнларда эса пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи давлат академик катта театри ижодий жамоаси «Минг бир кеча» асосида янги балет спектаклини саҳналаштирмоқдалар. У яқин кўнларда мухлис-лар эътиборига ҳавола этилиши мўлжалланган.

Асар мусиқасини озорбай-жонлик бастакор Фикрат Амиров басталган. Постановкачи-режиссёр Иброҳим Юсупов эса ушбу жараёнда ўзига хос қадимий шарқона мотивлар билан балет санъатидаги энг замонавий жиҳатларни ажиб тарзда

гари ана шундай ёшларимиз зиммаларидаги ролларини юксак маҳорат билан талқин қилишаяпти. Республикада хизмат кўрсатган артист Феруза Садуллаева (Шахризода) ва Ойбек Тошпўлатовлар (Шахриёр) эса ўзларининг юксак талантлари-

ни операция қилишди, мутахассис-врачларимизга ўз тажрибаларини ўргатишди. Шунингдек, компания спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қанча лойиҳаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ёшларнинг мароқди хордик олишлари ва кам таъминланган кишиларга моддий мадад кўрсатиш борасида ҳам фаолият кўрсатапти. Шу маънода, Дэвид Горнинг Навоий театрига яқиндан ёрдам бериш ҳуусидаги қарори компаниянинг ҳомийлик ташаббуслари маданият соҳасига ҳам йўналтирилганлигидан далолат беради.

Томошабинлар эса яқин кўнларда «Минг бир кеча» балет спектаклини саҳнада кўриш имкониятига эга бўлишди. Октябр ойида театр жамоаси Таиланд ва Малайзия сингари мамлакатларга ижодий сафарга жўнаб кетишди. Ишончимиз комилки, улар ўша жойларда ҳам ўзбек опера ва балет санъати ютуқларини бoйича намоиш этишад.

Ғафур ЭШМУРОДОВ.

«МИНГ БИР КЕЧА»НИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

ни яна бир бор намoён этишди. Биз янги театр мавсумини бошлаб берувчи ушбу спектаклни мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллик айёмига тўғра сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола этишни мўлжаллаб турибмиз.

Албатта, спектаклни саҳналаштириш ишлари, ҳамирдан қил суғургандек, осонгина кечгани йўқ. Ижодий жамоа бу бoрада бoзи муаммоларга ҳам дуч келди. Хусусан, уни саҳналаштиришда лoзим бўладиган костюмлар ва саҳна безаклари учун

Томошабинлар эса яқин кўнларда «Минг бир кеча» балет спектаклини саҳнада кўриш имкониятига эга бўлишди. Октябр ойида театр жамоаси Таиланд ва Малайзия сингари мамлакатларга ижодий сафарга жўнаб кетишди. Ишончимиз комилки, улар ўша жойларда ҳам ўзбек опера ва балет санъати ютуқларини бoйича намоиш этишад.

Advertisement for TURON OSIE TEXNIK COMPANY. Lists various copiers and their prices: RISON FT 4415/4418 TONERI (3100 sum), R/XEROX 5026 TONERI (1500 sum), R/XEROX 5314/5317/5017 TONERI (4700 sum), HP 5L TONERI (950 sum), CANON FC TONERI (980 sum). Also lists models like KOPICA 1212, RISO TR 1510, MULTIVAC, and RAPID.

Advertisement for MATBAА UCHUN BARЧА НАРСА: (For printing all things). Lists products like IDEAL, REXEL, and RAPID. Includes contact information for 'Тошкентдаги омбордан'.

Advertisement for ALIFEN (Алифен) medicine. Describes its benefits for various ailments and provides contact information for the distributor.

Footer section containing contact information for 'Халқ Сўзи' newspaper, including phone numbers, addresses, and subscription details.